Рос. книжная палата УзССР
190495

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 13 апрель, пайшанба №45 (21.808.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ:
МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАГИ ЯНГИ САҲИФА

11 апрель куни Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Бу ташриф Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегациясининг 1993 йил апрелида Германияга қилган сафарига ўзига хос жавоб ташрифи экани, Боннда ўтган музокаралар якунида яратилган ўзаро муносабатлар ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир.

Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасида турли соҳаларда кенг ҳамкорлик йўлга қўйилишига имкон яратди. Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи сиёсат маҳкамалари, ҳуқуқ тартибот органлари ўртасида ўрнатилган алоқалар фикримиз далилидир. Бундан ташқари, мамлакатимиз вилоятлари ҳам бевосита иқтисодий хўжалик алоқаларини мустаҳкамлаш, Шарқий Германияда ўтказилаётган ислоҳотлар тажрибаларини ўрганиш мақсадида ГФР федерал ҳудудлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Суратда: музокаралар пайти.

С. ЗУФАРОВ ва Ф.ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

Икки мамлакат халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги биргаликдаги фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширмоқдалар. Германия минтақадаги обрўли давлат сифатида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан манфаатли алоқалар ўрнатишига кўмаклашаётир. Ўзбекистон эса, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришини таъмин этишда муҳим ўрин тутадиган мамлакат бўлиб, Германия Федератив Республикасининг Марказий Осиёга нисбатан янги ташқи сиёсати амалга оширилишида ҳамкор бўлаётир.

Германия Федерал Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ана шу сабабли ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Федерал Президент Роман Герцог ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқдилар. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга Ўзбекистон замининнинг анвойи гулларини ҳадя этди.

Президентлар Ислом Каримов ва Роман Герцог махсус шоҳсупага кўтарилди. Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиялари янгради. Миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.

Аэропорт биносида меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан саломлашди. Сўнгра Президентларнинг расмий делегация аъзолари билан танишув маросими бўлди.

Шу ерда Президент Ислом Каримов ва Федерал Президент Роман Герцог қисқа муддат суҳбатлашдилар.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқла-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ
БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 1995 йил 5 май куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 12 апрель.

Олий Мажлиснинг иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги референдум якунлари ҳақида ахборот.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иш тартиби лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низом лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталарининг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоларини сайлаш тўғрисида.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш тўғрисида.
8. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

БИЗ ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ЙЎЛИДАН БОРМОҚДАМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ГФР ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ РОМАН ГЕРЦОГ ШАРАФИГА УЮШТИРИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Федерал Президент жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни бугун бу ерда, Ўзбекистон диёрида кутлаш менга катта мамнуният бахш этади.

Германия Федератив Республикаси биринчилар қаторида бизнинг мустақиллигимизни тан олгани ва давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига уч йилдан сал ортиқроқ вақт ўтди.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлар эдимки, ўзаро муносабатларимиз бошланган мана шу қисқа муддат мобайнида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Шарқий Германияда ўтказилаётган ислоҳотлар тажрибаларини ўрганиш мақсадида ГФР федерал ҳудудлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Икки мамлакат халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги биргаликдаги фаолиятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширмоқдалар. Германия минтақадаги обрўли давлат сифатида Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан манфаатли алоқалар ўрнатишига кўмаклашаётир. Ўзбекистон эса, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришини таъмин этишда муҳим ўрин тутадиган мамлакат бўлиб, Германия Федератив Республикасининг Марказий Осиёга нисбатан янги ташқи сиёсати амалга оширилишида ҳамкор бўлаётир.

Германия Федерал Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ана шу сабабли ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Федерал Президент Роман Герцог ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқдилар. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонларга Ўзбекистон замининнинг анвойи гулларини ҳадя этди.

Президентлар Ислом Каримов ва Роман Герцог махсус шоҳсупага кўтарилди. Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиялари янгради.

Айнан мана шунинг учун ҳам биз **Германиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа йирик халқаро тузилмалар доирасида янада фаолроқ иштирок этишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаймиз.**

Халқаро ва минтақавий ташкилотларда ҳаракатларимизни мувофиқлаштириш миллий масалаларнигина эмас, оламшумул муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини яратишига ишончим комил.

Биз ўзаро ҳурмат асосига қурилган икки томонлама муносабатларимиз ривожидаги ижобий йўналишларни юксак қадрлаймиз. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги турлича алоқаларни мустаҳкамлашни янада давом эттиришни қатъий ният қилиб қўйганмиз ҳамда келажакка ишонч билан қараймиз.

Шуни ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик очиб берадиган улкан имкониятларга катта умид билан қаралмоқда.

Жаноби олийлари!

Федерал Президент вазифасини бажаришга киришар экансиз, Сиз Германиянинг шарқида жойлашган мамлакатлар халқлари немисларни тинч, ўзгаларга ёрдам курсатишга тайёр, бегараз кишилар деб билиши учун қулингиздан келадиган барча ишни қилиш мажбуриятини баён эттан эдингиз. Биз юртимизга келаётган мамлакатингиз фуқароларининг худди шундай кишилар эканига амин бўлдик. Айнан мана шу кишилар туфайли халқимиз назарида мамлакатингиз нуфузи тобора ортиб бормоқда, халқингизга бўлган ҳурмат тобора кучаймоқда.

***

Узбекистон Президенти уз нутқи якунида мамлакатимиз ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг янада равнақ топиши учун эзгу тилаклар билдирди.

ҲАМКОРЛИГИМИЗНИНГ НУРЛИ КЕЛАЖАГИ УЧУН

ГФР ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТИ РОМАН ГЕРЦОГНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ НОМИДАН УЮШТИРИЛГАН ҚАБУЛ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Президент жаноблари,

Муҳтарам Каримова хоним,

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Мен ва рафиқам, Президент жаноблари, самимий кутлов сўзларингиз учун Сизга чин юракдан миннатдорлик билдирамиз.

Шахсан мен қиш пайтида Давосда бошланган мулоқотимизни давом эттираётганим, айни пайтда Сиз, Президент жаноблари-нинг 1993 йил бошида Германия Федератив Республикасига қилган ташрифингизга жавобан мамлакатингизга ташриф буюрганимдан хурсандман.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудий майдони ёки аҳолиси сони жиҳатидангина эмас, узининг маданий мероси, иқтисодий ресурслари ва сиёсий урни жиҳатидан ҳам Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам вазифамни бажаришга киришганимдан кейин орадан атиги бир неча ой ўтиши биланоқ Германия давлати бошлиги сифатидаги биринчи расмий ташрифим Сизнинг мамлакатингизга бўлди.

Собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейин пайдо бўлган бошқа давлатлар сингари, Ўзбекистоннинг ҳам олдида турган муҳим вазифа жаҳонда ўз ўрнини аниқлаб олиш ва қўшнилар билан муносабат ўрнатиш, давлатчиликнинг ўзига хос тузилмаларини барпо этиш, бозор иқтисодиети сари қаратилган янгиланишлар жараёнини йўлга қўйиш ҳамда ҳамкорликнинг янги шакларини ишлаб чиқишдан иборат эди. Бу — ўта мураккаб жараён бўлиб, биз уни ўз бошимиздан кечирганмиз. Шунинг учун Сиз бизнинг мамлакатингизда юз бераётган ўзгаришларни тўғри англашимизгагина эмас, имкониятларимиз доирасида сизни қўллаб-қувватлашга тайёр эканимизга ҳам умид боғласангиз бўлади.

Совет империяси Узбекистонга ҳам огир мерос қолдирган. Сиз, Президент жаноблари, сиёсий хилма-хиллик шароитида иқтисодий яхлитликни сақлаб қолиш борасида доимий равишда ва ниҳоятда фаоллик билан ҳаракат қилиб келмоқдасиз. МДҲдаги бошқа давлатлар раҳбарлари орасида Сизнинг овозингиз, айниқса, яхши эшитилмоқда ҳамда унга барча қулоқ солмоқда.

Узбекистон қадимий ва ранг-баранг тарихга эга. Бу ерда буюк империялар пайдо бўлган, уларни қудратли ҳукмдорлар бошқарган бўлишига қарамай, бу диёр асрлар мобайнида тез-тез босқинлар қурбони бўлган. Бу уринда Амир Темурдек буюк тарихий шахсни, шунингдек доно ва машҳур Султон Улуғбекни ёки бутун дунёга машҳур файласуф, биз Авиценна деб атайдиган Абу Али ибн Синони эслаб ўтиш жоиздир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро синғари шаҳарларнинг номи бизнинг хаёлимизда соҳир Шарқ тўғрисидаги тасаввурлар ва «Минг бир кеча» эртакларинигина эмас, Македония подшоси Искандар ва унинг жанговар сафарлари билан боғлиқ хотираларни ҳам жонлантиради. «Буюк ипак йули» деганда биз бойлик ва тўкин-сочинлик манзарасини тасаввур қиламиз, аслида эса, Президент жаноблари, бу тушунча Сизнинг мамлакатингиз учун улкан сиёсий, иқтисодий ва маданий қадриятларнинг аниқ алоқа воситаси бўлган. Замонавий транспорт алоқасини оладиган бўлсак, узоқ масофаларга энди карвонлар эмас, самолётлар қатнайди, аммо улар ҳам мамлакатлар ва қитъаларни бир-бирига яқинлаштиради; бу — сиёсий жиҳатдан ҳам муҳим. Шунинг учун ҳам мен Германия ва Узбекистон авиакомпаниялари жадвалида Тошкент билан Германия ўртасида қатнайдиган самолётлар рўйхати ҳам борлигидан хурсандман.

Яна шуниси қувонарлики, Узбекистон собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида муҳим урин тутадиган мустақил давлат бўлибгина қолгани йўқ. Мамлакатингиз тобора кенгайиб бораётган Европа уйи доирасида биз билан яқинлашди. Биз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва Шимолий Атлантика ҳамкорлиги кенгаши доирасидаги узаро бевосита алоқаларни қўллаб-қувватлаймиз ҳамда Узбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида шартнома асосидаги ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш ниятидамиз.

Бугун бизнинг гуваҳлигимизда бир қанча икки томонлама ҳужжат имзоланди. Бу бизнинг Германия билан Узбекистон ўртасидаги бевосита муносабатларни салмоқли ва муайян асосда ўрнатиш борасида ҳам ишлаётганимиздан далолат беради.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз бир-бирини ишончли шерик сифатида кашф этмоқда. Ҳозирнинг узидаёқ Узбекистонда бир қанча Германия фирмалари ўз лойиҳаларини тақдим қилдилар, уларнинг ваколатхоналари ишлаб турибди. Бошқа фирмалар ҳам улардан ўрнак олмоқчи. Менга ҳамроҳ бўлган делегация сафида Германия иқтисодиётининг кўп сонли вакилларининг мамлакатингизга келиши бизнинг иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдорлигимизнинг муайян ифодасидир. Сиёсий соҳада гап бунинг учун муносиб умумий шарт-шароит яратиш ҳақида боради. Бу масалада ҳам биз Сизга маслаҳатимиз билан ёрдам беришимиз мумкин. Илгаридагидек биз бунга бажонидил тайёрмиз.

Умумий шарт-шароит сармояларни ҳимоя қилиш ва икки томонлама солиқ солиш сингари техник ҳолатларнигина эмас, сиёсий барқарорлик ва демократия сари ишончли йўлни ҳам ўз ичига олади. Узбекистон фикрлар ҳилма-хиллиги ва ҳуқуқий давлат тамойилларига асосланган жамият барпо қилиш мақсадида демократия учун эшикларни очиб қўйиш тўғрисида қатъий қарорга келди. Сизнинг бу йўлда эҳтиёт бўлиб ташлаётган қадамларингизни биз катта ҳайриҳоҳлик билан кузатиб турибмиз ҳамда сизга куч-қувват ва изчиллик ёр бўлишини тилаймиз. Ҳар қандай шароитда ҳам давлатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қайта қуриш огир ва машаққатли кечадиган жараёндир. Бироқ, демократия ва фикрлар ҳилма-хиллигига асосланган жамият қуришдек мақсадга эришиш учун ҳеч қандай кучни аямаслик лозим.

Кўпмиллатли давлатдаги ички барқарорлик кўплаб миллат вакиллари ягона умумий хонадонда тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида истиқомат қилишини ҳам уз ичига олади. Биз Узбекистон бу йўлда ҳам XV асрда яшаб утган, қизиқиш ва манфаатлари бир минтақа ёки бир халқ билан чегараланиб қолмаган, ўз асарларини ҳам узбек, ҳам форс тилида ёзган буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоийдан руҳланиб, турли миллатлар ўртасидаги муносабатларда уйғунликка эришиш йўлидан бораётганидан ниҳоятда қувонмоқдамиз.

Биз ҳозир Германия-Узбекистон муносабатларининг истиқболини барпо қилаётган ҳамда Узбекистоннинг ҳозирги турфа дунёдаги ўрни ҳақида гап юритар эканмиз, утмишни ҳам асло унутмаслигимиз зарур. Гитлер даврида Германия бошлаган урушда қуплаб ўзбек жангчилари ҳам ҳалок бўлган, жароҳатланган ёки асирликда вафот этган. Биз бу бемаъни ва жинояткорона урушда Узбекистон берган қурбонларни чуқур қайғу билан ёдлаймиз ва уларнинг хотираси олдида бош эгамиз. Бундай қиргин такрорланмаслиги керак, такрорланмайди ҳам. Бу урушда Узбекистон яна бир фидойилик курсатди, яъни Совет Иттифоқининг бошқа минтақаларидан кучирилган ва мажбуран кучирилган жуда кўп кишиларни ўз бағрига олди.

Президент жаноблари, Сиз билан суҳбатларимиз бошланди ва яна давом этади. Германия-Узбекистон муносабатларининг муҳим хусусияти шуки, биз зиддиятларни бартараф қилиш билан шуғулланмаймиз ҳамда биз ишларнинг ҳозирги ҳолатидан қаноат ҳосил қиламиз. Шунинг учун ҳам узаро фикр алмашувимиз учун ажратилган вақтнинг каттагина қисмини бир-биримиз билан бошқа ахборотлар ва халқаро сиёсат масалалари буйича мулоҳазаларимизни ўртоқлашишга бағишлашимиз мумкин.

***

Шундан кейин Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог ўзбекларнинг «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деган мақолини келтириб, Германия ва Узбекистон давлатлари ҳамда халқлари фаровонлиги учун самимий тилакларини изҳор қилди.

МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДАГИ ЯНГИ САҲИФА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ри рамзи ўрнатилган автомашиналар карвони пойтахтимиздаги шеърият султони ва давлат арбоби Алишер Навоий номи берилган Миллий боғ томон йўл олди. Байрамона безатилган Тошкент кўчаларидаги халқлар дўстлигини улуғловчи, азиз меҳмонларни қутловчи ўзбек ва немис тилидаги битиклар шаҳар кўркига кўрк қўшган. Минглаб шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари Роман Герцог ва у раҳбарлик қилаётган делегацияни олқишлади.

***

Германиялик мўътабар меҳмоннинг Ўзбекистонга ташриф дастури Алишер Навоий боғида, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди.

Германия Федерал Президенти Роман Герцог Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида буюк шоирга ҳурмат ва эҳтиром бажо этди. Бу ерда тўпланган жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарларига бўлажак музокараларда муваффақият тиладилар, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига умид билдирдилар.

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройи мўътабар қадамжолардан бири бўлиб бормоқда. Исми-жисмига мос бу масканда Ўзбекистон халқи билан турли мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғланаётир. Президент Ислом Каримов меҳмонлар бир оз дам олганларидан сўнг Германия Федерал Президенти Роман Герцогни ушбу муҳташам сарой олдида қарши олди. Бу ерда икки давлат расмий делегациялари ўртасида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар бошланди.

Музокараларда Ўзбекистон билан Германия ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Расмий музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасида муносабатлар асослари тўғрисидаги Қўшма баёнот, шунингдек, фуқароларнинг ўзаро эркин борди-келдилари ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги немис ҳарбийлари қабрлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Бу ҳужжатларга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов ва Германия Федератив Республикаси давлат котиби, ташқи ишлар вазири ўринбосари Вернер Хойер имзо чекдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Германия Федерал Президенти Роман Герцог журналистлар билан учрашиб, уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Германия Федерал Президенти Роман Герцог шарафига қабул маросими уюштирди.

(ЎзА).

***

Мамлакатимизда расмий сафарда бўлган Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Роман Герцог Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида 12 апрель куни Самарқандга ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва Германия Давлатлари байроқлари билан безатилган Самарқанд тайёрагоҳида муҳтарам меҳмонларни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар ҳар иккала давлат Президентлари ва уларнинг рафиқаларига анвойи гуллар тақдим этишди.

Меҳмонларнинг қадимий Самарқанд билан танишуви Шоҳизинда мақбарасидан бошланди. Германия Федерал Президенти эндигина қад ростлаётган Рудакий майдонини кўздан кечиргач, Регистон майдонини ва бу ердаги бошқа тарихий мажмуаларни тамоша қилди. Самарқанд фольклор этнографик дасталари ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари майдонда театрлаштирилган концерт қўйдилар, халқ ҳунармандлари эса ўзлари ясаган ноёб бадиий буюмларни намойиш этишди.

— Мен болалигимдан Шарқнинг мафтуниман,— деди ГФР Федерал Президенти Роман Герцог.— Қадимий Самарқандни кўришдек орзуим Ўзбекистон мустақиллик нашидасини суриб, тараққиёт сари дадил одимлаётган бир паллада ушалганидан беҳад хурсандман. Бу ерда мен ўзбек халқининг ғоят бой тарихга эга эканига яна бир карра амин бўлдим.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар ривожи ҳақида журналистларнинг саволига жавоб қайтарар экан, ушбу қудратли мамлакат Ўзбекистон учун ишончли ҳамкор бўлиб бораётганини таъкидлади.

— Айни пайтда республикамизда ўнлаб Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда,— деди Ислом Каримов.— Шунингдек, Германиянинг нуфузли 17 фирма ва компаниялари мамлакатимизда ўз ваколатхоналарини очишга улгурди. Бундан бир ой муқаддам Германиядаги Веймар университетида Тиллакори мадрасасини таъминлаш масаласи муҳокама қилиниб, мазкур олий ўқув юрти бу мақсад учун 50 минг АҚШ доллари ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Биз учун ажратилган маблағнинг миқдори эмас, балки Германиянинг миллий қадриятларимизни тиклашда яқиндан кўмаклашаётгани ғоят муҳимдир.

Буюк соҳибқирон Амир Темур мақбараси ҳамда шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишувдан сўнг германиялик олий мартабали меҳмон Самарқанддаги «Сино» холодильниклар ишлаб чиқариш заводига келди. ГФР Федерал Президенти бу ерда ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, германиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

Корхонада Президентлар иштирокида Германиянинг «Форон» фирмаси билан «Сино» холодильниклар заводи ўртасида «Форсин» қўшма корхонаси тузилгани тўғрисидаги шартномани имзолаш маросими бўлди. Ҳужжатни фирма президенти Херальд Ланг ва завод директори Фурқат Ниёзов имзолади. Ислом Каримов ва Роман Герцог янги қўшма корхона икки мамлакат ҳамкорлигига муносиб ҳисса қўшишига умид билдирдилар.

***

Куннинг иккинчи ярмида Германия Федерал Президенти Роман Герцог Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида қадимий Бухорога ташриф буюрди. Бухоро аэропортида юксак мартабали меҳмонларни вилоят ҳокими М. Раҳмонов, Бухоро шаҳар ҳокими К. Камолов муборак заминга ташриф билан қутлади.

Меҳмонлар дастлаб шаҳар чеккасидаги Бухоро амири ёзги дала ҳовлиси — Ситораи Моҳи-хосса мажмуини бориб кўрдилар. Бу ерда намойиш қилинган бухоролик ҳунармандлар, зардўзлар, кандакорлар маҳсулотлари Роман Герцог жаноблари ва унинг рафиқасида катта таассурот уйғотди. Хорижий меҳмонлар Х аср ёдгорлиги бўлмиш сомонийлар мақбараси, Минораи Калон, Чашмаи Аюб, Нодир Девонбеги мадрасаси сингари Шарқ меъморчилигининг ёрқин намуналарини тамоша қилишди.

— Мен жаҳоннинг кўплаб қадимий шаҳарларида бўлганман, — деди Германия Федерал Президенти Р. Герцог ЎзА мухбирлари билан суҳбатда. — Лекин Бухорои Шариф, хусусан, Минораи Калон тарихий меъморчилик обидаси зиёрати менда унутилмас хотира бўлиб қолади.

Минораи Калон яқинида тўпланган Бухоро шаҳри жамоатчилик вакиллари, меҳнаткашлар ҳар иккала Президентни қутлаб, уларнинг Ўзбекистон ва Германия мамлакатлариаро алоқаларни янада яхшилашлари, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришлари йўлида эзгу тилаклар билдирдилар.

Шу куни Германия Федерал Президенти Р. Герцог Ўзбекистон Президенти И. Каримов билан Бухородан Тошкентга қайтиб келди.

Самарқанд ва Бухоро сафарларида Президентлар И. Каримов ва Р. Герцогга Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов, Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Кунна ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Амирқул КАРИМ,
Ҳамза ШУКУР,
Илҳом САФАР,
ЎзА махсус мухбирлари.

Тилимизга давлат мақоми берилгандан сўнг ташкил этилган ўзбек тили доимий анжуманини ҳар икки йилда бир марта ўтказиш анъанага айланиб бармоқда. Ўзбекистоннинг йирик тилшунос олимлари, номдор ўқитувчилари, маориф жонкуярлари 1991 йили Самарқандда, 1993 йили Қаршида тўпланишиб, ўзбек тилининг тараққиёти ва уни ўқитиш муоммолари хусусида фикрлашиб олган эдилар. Доимий анжуманнинг учинчи йиғилиши бу гал баҳорий чечакларга бурканган Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, республика ўқув методик маркази Жиззах вилояти Халқ таълими бошқармаси ва Жиззах педагогика институтининг саъй-ҳаракатлари билан уюштирилган бу анжуманга 600 га яқин қатнашчилар йиғилишди. Улар орасида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташқари Қозоғистон ва Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан ташриф буюрган ўзбек

ЖИЗЗАХДА ТИЛ ВА ДИЛ БАЙРАМИ

тили фидойилари бор эдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Жиззах вилояти ҳокими А.Тошкенбоевнинг қизғин табрик нутқидан кейин анжуман иштирокчилари «Таълим жараёнида сўз бойлигини оширишнинг асосий омиллари» деган долзарб муаммо атрофида жиддий баҳс ва мунозараларга киришдилар.

Анжуманнинг етти шўъбасида икки кун мобайнида ўзбек тили тараққиётининг ҳозирги аҳволи, унинг боғчаларда, турли босқичдаги мактабларда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқитилиши, тарбияланувчилар, ўқувчи ва талабаларнинг сўзбойлигини ошириш, ифода имкониятларини кенгайтириш ҳақида, шунингдек, эски ўзбек ёзувини ўрганиш, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган ўқув муассасаларида ўзбек тилини ўқитишнинг ечимини кутаётган масалалари хусусида икки юздан ортиқ маъруза тингланиб, муҳокама қилинди.

Айниқса профессорлар А.Ғуломов (Бухоро), Н.Маҳмудов (Тошкент), Қ.Абдуллаева (Тошкент), Ҳ.Неъматов (Бухоро), Б.Йўлдошев (Самарқанд) ва бошқаларнинг чиқишлари қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Анжуман иштирокчилари мажлисларидан бўш вақтларида Жиззах шаҳридаги боғча ва мактабларда, таълим муассаларида бўлишиб, тажрибалар билан ўртоқлашдилар. Ҳамид Олимжон ва Шароф Рашидов юртининг зиёратгоҳ жойларини бориб кўрдилар.

Ҳар жиҳатдан пухта уюштирилган бу анжуман, сирасини айтганда, она тилимизнинг, маънавиятимизнинг чинакам байрамига айланиб кетди.

Абдусалом УМАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Нияти пок кишилар

БИР ОИЛА ТАШАББУСИ

Мустақил Ўзбекистонимиз куч-қудратга тўлиб,халқаро майдонда обрў-эътибори ошиб бормоқда. Ҳар бир Ўзбекистон фарзанди юртнинг истиқболи, истиқлоли учун масъул. Қўлидан келганича шу буюк мақсад йўлида меҳнат қилянти.

Бешариқ туманидаги Янгибахмал қишлоғида яшовчи Нишоновлар оиласи ҳам мана шундай эзгу ниятли хонадонлардан бири. Уктамой Нишонова Бешариқ момиқ тикув фабрикасида анча йиллар меҳнат қилди. Камтарлиги, меҳнаткашлиги билан жамоа, ҳамқишлоқлари ҳурматини қозонди. Бир неча чақириқ давомида маҳаллий кенгашларга депутат этиб сайланди. Турмуш ўртоғи Ҳайдархон Нишонов билан уч нафар фарзандини тарбиялаб вояга етказяпти.

Албатта,инсон қисматида ўзгаришлар ҳам бўлиб туради. Кейинги пайтда эр-хотин бироз саломатликларини йўқотиб қўйишди. Уктамой оила, рўзғор ишлари билан банд, Ҳайдархон эса бир ташкилотда қоровулчилик қила бошлади.

Бу хонадон ошиб-тошиб кетгани йўқ. Тўғри, Президентимиз Фармони шарофати билан ўзларига теккан томорқада уй қуриб олишди. Энг муҳими, бу оилада инсоф, диёнат ва имон ҳукмрон.

Бундан бир неча йил муқаддам эр-хотин кераксиз темиртерсакларни тўплай бошлади. Ҳатто машина-трактор ҳайдовчиларига хизмат ҳақи бериб, уларни уйларига ташиб келтира бошлашди. Бу қуни-қўшниларга ғалати туюлди, «темир-терсакни нима қиласизлар?» деганлар ҳам бўлди.

Лекин Уктамой ва Ҳайдархонларнинг ниятлари пок эди. Улар мустаҳкамланиб келаётган мустақил давлатимизга темир-терсак, айниқса, рангли металлар жуда зарур эканлигини яхши билишарди. Бу оила-нинг ўзига хос ватанпарварлик ташаббуси, мустақиллигимизни қўлдан келганча қўллаб-қувватлаш изҳори эди.

Ҳозирга қадар оилада 25 тоннадан ортиқ металл парчалари тўпланди. Туман пахта тозалаш заводи маъмурияти оила тўплаган металларни республикамиз саноатига етказиб беришга ёрдам берди. Туман ҳокимлиги, «Бешариқ» ширкатлар уюшмаси эса хонадонни моддий рағбатлантирди.

Ҳукуматимиз ва жамоат ташкилотлари кўрсаттан ғамхўрликдан Нишоновлар оиласи хурсанд. Улар яқинда юртбошимиз И. А. Каримовга мактуб йўллаб, юртимиз келажаги йўлида олиб бораётган ишларида катта муваффақиятлар, мустаҳкам соғлик тилашди. «Биз-дейилади мактубда, — кичкинагина ишимиз билан юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга жиндаккина ҳисса қўша олган бўлсак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз».

Оила ҳиммати вилоятда ҳаммани мамнун этди. Уларнинг ташаббуси жамоат ташкилотлари, мактаблар ва ўқув юртларида қўллаб-қувватланди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАЙЛАСУФЛАР МУЛОҚОТИ

Республикамиз Президенти И. А. Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар масаласига тўхталиб, илм-фан намояндаларини, жамиятшунос олимларни «Бугун биз қандай давлат қуряпмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак?» деган ҳаёт олдимизга қўяётган саволларга жавоб излашга даъват этди.

Кеча ана шу даъватга жавобан олимлар давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, Ўзбекистон Фалсафа жамияти ташкил этди. Пойтахтимиз файласуфлари катта қизиқиш билан қатнашган мазкур тадбир очиқ мулоқот тусини олди. Анжуманни кириш сўзи билан очган фалсафа фанлари доктори А. Жалолов, мунозарада иштирок этган академик Э. Юсупов, Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир-аъзолари С. Шермуҳамедов ва А. Валиев, профессорлар О. Файзуллаев, И. Раҳимов, Б. Каримов, доцент Б. Тўраев ва бошқалар долзарб мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, миллий давлатчилигимизни бунёд этишга боғлиқ қатор муаммоларни ўртага ташладилар ҳамда шу ўзанлардаги изланишларни давом эттириш лозимлигини таъкидладилар.

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

ЖАНГЧИ ШОИРЛАР — ҚЎРИҚ ВОҲА МЕҲМОНИ

ЎзХДП Марказий Кенгаши йўлланмаси билан вилоятларга йўл олган тарғибот гуруҳи аъзолари — таниқли жангчи-шоирлар — Зоҳиджон Обидов, Назармат Сирдарё вилоятида бўлдилар. Дастлабки куни Гулистон тумани марказидаги қишлоқ хўжалик лицейида учрашув бўлиб ўтди. Улар ўқувчи ёшлар ҳузурида фронт хотираларидан сўзлаб бердилар. Сўнгра мушоира бошланиб кетди.

Иккинчи кун эса меҳмонлар Оқолтин туманида бўлдилар. Туман марказидаги гидромелиорация коллежида ҳаяжонли учрашувлар бўлиб ўтди. «Фарғона» ширкатлар уюшмасининг 6-ширкатидаги мулоқот чигит экилаётган далаларда ўтказилди. Деҳқонлар жангчи шоирларни қуршаб олдилар. Қизғин шеърхонлик бўлди. Суҳбатлар савол-жавобларга уланиб кетди. Шундан сўнг меҳмонларни «Қоръера» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси жамоаси қизғин кутиб олди. Бу ерда ҳам қизиқарли учрашувлар, савол-жавоблар бўлиб ўтди. Меҳмонларга совғалар тақдим этилди.

Ғалабанинг 50 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилган учрашувларда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилояти кенгашининг котиблари Ж. Матқурбонов, С. Давлатова иштирок этдилар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

НАМАНГАНДАГИ УЧРАШУВЛАР

ЎзҲДП Марказий Кенгаши республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ҳамда республика Фахрийлар кенгаши билан биргаликда ташқил этган тарғиботчилар гуруҳи Фарғона водийси бўйлаб сафарини Наманган вилоятидан бошлади. Меҳмонларни Поп туманида ЎзҲДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Н.Қозоқов, партия фаоллари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар. Дастлаб тарғибот гуруҳи аъзолари Поп, Чуст туманларидаги саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари, ўқув юртларида бўлдилар. Айниқса Наманган шаҳридаги маданият техникуми ўқитувчилари ўз ўқувчилари билан бўлган учрашув жуда қизиқарли ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ходими, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Э.Ҳакимов, тарих фанлари номзоди, доцент Х.Муҳаммаджонов оловли йиллар хотираларидан сўзлаб бердилар. Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг аҳамияти, унга Ўзбекистон халқи қўшган салмоқли ҳисса ҳақида фикр юритилди. ЎзХДП Марказий Кенгаши мафқуравий ишлар бўлим мудирининг ўринбосари У.Ҳайитов партиямиз ҳозирги кунларда олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Меҳмонлар иштирокида техникум талабалари ва ўқитувчиларидан 15 кишига ЎзХДП аъзолик билетлари топширилди.

Тарғибот гуруҳи аъзолари Наманган шаҳридаги «Гўшт-сўт» ҳиссадорлик жамияти, Косонсой туманидаги Худойбердиев, Навоий номли жамоа хўжаликларида ҳам қизиқарли учрашувлар ўтказдилар. Тарғибот гуруҳи Наманган Андижон вилоятига жўнаб кетди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ.

Хотира

ХАЛҚ ИШИГА ЯРАГАН ИНСОН ЭДИ

Ўтган йилнинг ёзида Денов туманидаги Куйбишев номли жамоа хўжалигида узоқ-яқиндан келган меҳмонлар иштирокида бир тантана бўлиб ўтганди. Унда хўжаликка Исломқул Тўраев номи берилгани эълон қилинди.

Хўш, Исломқул Тўраев ким? Нега минглаб одамлар унинг номини ҳурмат билан тилга олишади?

Авваламбор у халқнинг корига оғир пайтда яраб келган инсонлардан. Шундай воқеани кўпчилик ҳамиша эслайди: уруШнинг оғир кунларида одамлар очюпун қолишганди. Қишлоқда доň деган нарса йўқ. Шундай пайтда И. Тўраев иккиланиб ўтирмасдан хўжалик омборидаги уруғлик донни, оз-оздан бўлса ҳам, одамларга тарқатди. Шу йўл билан халқни ўлимдан асраб қолди. Қолаверса, асраб қолинган уруғликдан унумли фойдаланиб, ҳосидорликни ошириш ҳисобига донни кўпайтиришга эришди. Лекин ўша пайтларда уруғлик донни ишлатиб юбориш жиноят ҳисобланарди. Шунга қарамай у ҳаётини таҳликага солиб бўлса-да, халқ учун жон куйдирганига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, у элим деб, юртим деб ёниб яшаганлардан. Исломқул Тўраев бундан роппа роса 90 йил аввал Илонсой қишлоғида таваллуд топган. Йигит ёшига етгач, элнинг хизматига яраш учун бел боғлади. У пайтда ҳозирги Денов ва Шўрчи тумани ерлари бунчалик обод эмасди. Ана шу ерларни ўзлаштириш, боғ-роғлар, экинзорлар яратиш эса осон кечгани йўқ. Исломқул ва унинг тенгқурлари ана шу ерларга сув чиқариш ишларида фаол ҳаракат қилишди. Айниқса, Ҳазорбоғ канали қурилишида жонбозлик қўрсатишди.

Канал қисқа муддатда қуриб битказилди. Минглаб гектар ерларга сув чиқарилди. Боғ-роғлар кўпайди. Кенг пахтазорлар вужудга келди. Янги-янги жамоа хўжаликлари ташкил этилди. Исломқул Тўраев илғор пахтакор сифатида элга танилди. Шу боис, ёш бўлсада, уни Куйбишев номли жамоа хўжалигига раис қилиб сайлашди. Кейинчалик «Қизил омоч» жамоа хўжалигига раислик қилди.

Уруш йилларида эса Кенагас қишлоқ шўросининг раиси, ғалабадан сўнг эса «Қизил чорвадор» (ҳозирги Собир Раҳимов номли) хўжаликка раис бўлди. Кейинчалик эса яна Куйбишев номли хўжаликка раҳбарлик қилди.

Исломқул Тўраев маданиятни, хусусан халқ маорифини яхшилашга алоҳида эътибор берарди. Биргина мисол: Урушдан кейин қишлоқда биттагина тўлиқсиз ўрта мактаб бор эди. Янги мактаб қуришга киришилди. Бироқ бинонинг томини ёпишга улгурилмади.

Чунки раиснинг қилаётган ишини қонунга зид деб, қурилишни тўхтатишди. Негаки, ўша пайтда мактаблар қурилиши хўжаликлар ҳисобидан амалга оширилишига рухсат берилмас экан. Раисга эса қилган «гуноҳи» учун 80 минг сўм жарима солинди. Кейинчалик эса қайта - қайта мурожаатлардан сўнг бу масала Олий Кенгаш сессиясида кўриб чиқилди ва ижобий ҳал бўлди. Иқтисодий бақувват хўжаликларга ўз ҳисобидан мактаб қуришга ижозат берилди. Бояги жарима эса бекор қилинди. Ниҳоят, 1952 йили янги мактаб юқори синф ўқувчиларини ўз бағрига олди.

Ҳа, эли учун ҳалол меҳнат қилган инсонларни халқимиз ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг хотираси, қилган савобли ишлари халқ қалбида муҳрланиб қолади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК КЎРГИЛИКЛАРИ

БИЗНЕС ПРЕСС танловига

Иқтисодий ислоҳотлар яхши самара бераётгани кўнглимизни қувонтиради. Ўтаётган ҳар бир кунимиз залворли одимлар билан бойиб бормоқда. Мулкнинг ўз эгаси қўлига ўтиши, бинобарин мулкдорнинг янада баракали фаолият кўрсатишидан ҳам ўзи, ҳам элу юрт баҳраманд бўлаётганлиги тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи омилларини ишга солиб юбормоқда. Аммо олға кетиш йўлига ғов бўлаётганлар ҳам учраб турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ундайлар аввалги манфаатдорлик мавқеларини йўқотаётганларидан, қолаверса янгича муносабатларни таркиб топтираётган тадбиркорларнинг мўмай даромадига ола қараётганларидан шундай қилишяпти.

Таҳририятимизга Янгиариқ туманидаги «Низом» хусусий корхонаси соҳиби Жуманиёз Отажонов кириб келди. У мамлакатимизда мулкка муносабат борасида ниҳоятда тўғри йўл танланганидан кўпчиликнинг мамнунлигини, лекин янгича руҳда ишлаётганларга осон бўлмаётганлигини айтди. Ва буни ўз мисолида айтиб берди:

— Баъзида телекўрсатувларда бирор тадбиркорга «Сизга ким тўсиқ бўляпти?» деган ўринли савол беришганида, ҳалиги суҳбатдош маҳаллий раҳбарлардан чўчибми ёки бошқа сабабданми, гапиролмай қолганини кўрганимда «Мендан сурашса-чи!» деб юборгим келади. Тўғри, газеталарда «Тадбиркорга кенг йўл» деган чақириқларни кўп ўқиймиз. Аммо ҳаётда ҳамиша ҳам шундай бўлавермас экан. 1991 йилгача туман марказидаги 18-ёнилғи қуйиш шохобчасида бош оператор бўлиб ишладим. «Ижара тўғрисида» Қонун чиққанидан кейин биринчилар қатори Чапаев номли (ҳозирги «Остона») жамоа хўжалиги билан шартнома асосида шу жойни ижарага олдим. Мақсадим — бу жойни кейинроқ хусусийлаштириб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи ва аҳолига техника хизмати кўрсатувчи корхонага айлантириш эди. Бир йилча ишимиз яхши кетди. Хўжалик бошқарувига Рустам Рўзметов раисликка келдию ҳалиги шартномани бекор қилиб, мулкни қайтариб олиш пайига тушди. Раис бу ҳақда Хоразм вилоят ҳакамлик судига мурожаат қилди. Ҳакамлик суди жамоа хўжалиги мулкни шу тарзда қайтариб олиши мумкин эмаслигини билдирди. «У ҳолда шартномани ўзгартирамиз» деди раис ва яна вилоят ҳакамлик судига шартномани бекор қилиб, жамоа хўжалиги умумий йиғилиши қарорига асосан янгидан ижара шартномаси тузилганини маълум қилди. Ҳакамлик суди эса жамоа хўжалиги даъвосини рад этди.

Энди ишлар юришса керак, деб ўйловдим. Ғовнинг каттаси буёқда экан. Туман прокурори Юсуф Машарипов «Остона» жамоа хўжалиги билан шартнома асосида шу жойни ижарага олдим. Мақсадим — бу жойни кейинроқ хусусийлаштириб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи ва аҳолига техника хизмати кўрсатувчи корхонага айлантириш эди. Бир йилча ишимиз яхши кетди. Хўжалик бошқарувига Рустам Рўзметов раисликка келдию ҳалиги шартномани бекор қилиб, мулкни қайтариб олиш пайига тушди. Раис бу ҳақда Хоразм вилоят ҳакамлик судига мурожаат қилди. Ҳакамлик суди жамоа хўжалиги мулкни шу тарзда қайтариб олиши мумкин эмаслигини билдирди. «У ҳолда шартномани ўзгартирамиз» деди раис ва яна вилоят ҳакамлик судига шартномани бекор қилиб, жамоа хўжалиги умумий йиғилиши қарорига асосан янгидан ижара шартномаси тузилганини маълум қилди. Ҳакамлик суди эса жамоа хўжалиги даъвосини рад этди.

Энди ишлар юришса керак, деб ўйловдим. Ғовнинг каттаси буёқда экан. Туман прокурори Юсуф Машарипов «Остона» жамоа хўжалиги умумий йиғилиши қарорини бекор қилиб, туман судига ижара корхонаси фаолиятини тўхтатиш юзасидан даъво-аризаси берди. Аслида бу масалалар билан ҳакамлик суди шуғулланиши керак эди, мен туман халқ судига шу ҳақда маълум қилиб, шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасига мувофиқ тузилганини айтиб расмий эътироз билдирдим. 1993 йил 22 март куни туман халқ суди прокурорнинг даъво-аризасини кўрмасликка қарор қилди. Лекин прокурор Ю. Машарипов туман халқ судининг юқоридаги қароридан қониқмай вилоят судига ариза билан мурожаат қилди. Вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича коллегияси туман халқ суди қарорини ўзгаришсиз, киритилган протестни оқибатсиз қолдирди. Бундан жаҳли чиққан прокурор ўша куниёқ корхона бухгалтерия ҳужжатларини тафтиш қилишга топшириқ ёзди. Прокурор ёрдамчиси Абдиёз Бобоев тафтиш актига биноан устимдан жиноий иш қўзғатгандан кейин уйимни тинтув қилдирди. Илинтирадиган нарса топилмагач, гап пора таъма қилишга келиб тақалди. А. Бобоев ўз сўзида прокурор 10 миллион сўм сўраётганини, акс ҳолда бўйнимда ўн йил турганини шаъма қилди (Унинг ҳақиқатда шу гапни айтганлигини тасдиқловчи судфонографик экспертизасининг хулосаси қўлимда).

1993 йил 26 майда ёнилғи қуйиш шохобчаси тугатилди. Икки кундан кейин, яъни 28 майда Янгиариқ туман ҳокимлигининг 103-рақамли қарорига кўра «Низом» хусусий корхонаси рўйхатга олинди. Аввалги корхона йўқ бўлди, янгиси иш бошлади. Демак, ижара шартнома ҳам йўқ, ўрнига олди-сотди шартномаси пайдо бўлди. Прокурор Ю. Машарипов «Низом» хусусий корхонаси рўйхатга олингандан кейин 3 кун ўтгач, энди олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўраб яна даъво-ариза ёзди. Туман халқ суди 29 июлда бу аризани ҳам кўрмасликка қарор қилди.

Мен ҳайрон қоламан. Бир корхонанинг ишини неча марта сарсон қилиш мумкин. Олди-сотди шартномаси жамоа хўжалиги Уставига биноан умумий йиғилишда тасдиқланди. Прокурор энди жамоа хўжалигига ушбу қарорни бекор қилиш бўйича протест киритди. Бу орада хўжаликка янги раис — Рустам Хўжаев келганди (Бу масалада қонунлар эмас, шахслар устунлик қилиши ғалати). У прокурорнинг талабини бажо этди, яъни олди-сотди шартномасини бекор қилиш бўйича умумий йиғилиш қарорини чиқариб берди. Прокурор бунга асосан туман халқ судига яна даъво-аризаси (нечанчи марта!) ёзди, суд аризани тўла қаноатлантириб, олди-сотди шартномасини бекор қилди. Табиийки, вилоят судига мурожаат қилдик. Вилоят суди аризани қаноатлантирди ва туман халқ суди қарорини бекор қилди. Республика прокуратураси бу қарорга протест киритиб, Ўзбекистон Олий судига мурожаат қилди, Олий суд жамоа хўжалиги билан янги шартнома тузишни тавсия этди.

Мен чеккан изтироблар шу билан тугамайди. 1993 йил 9 декабрда корхонамизнинг электр таъминотини узиб қўйишди. Сабаб? Туман прокурори электр тармоқлари бошлиғи Қуронбой Матёқубовга шундай топшириқ ёзибди: «Туман ҳокимининг 1993 йил 26 май куни 99-сонли қарори билан ижара корхонасининг фаолияти тўхтатилган... Шунга асосан 10 декабрдан бошлаб ғайриқонуний равишда ўзганинг мулкини эгаллаб ўтирган «Низом» хусусий кичик корхонасининг биносини тўла равишда электр токи билан таъминлашни тўхтатишингизни сўрайман». Тавба, прокурор туман ҳокимининг ижара корхонаси фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги 26 май қарорини эътироф этибдию «Низом» хусусий корхонаси очиш ҳақидаги 28 майдаги 103-қарорини кўрмасликка олибдида. Ю. Машарипов ўзига маъқул бўлмаган қарорни кўрмаган экан, ўша кундан роппа-роса бир йил муқаддам, яъни 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 23-моддасини ўқиганмикан? Унда аниқ-тиниқ қилиб «Прокурорнинг хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятга бевосита аралашувига, шунингдек идоравий бошқарув ва назорат органлари фаолиятини амалга оширишига йўл қўйилмайди» деб ёзиб қўйилган.

Эллик тўрт кун чироқсиз қолдик. Одамлар ишсиз ва маошсиз қолишди. Бу бедодликнинг устидан вилоят прокуратурасига мурожаат қилдик. Ниҳоят вилоят прокурори Ю. Раҳмоновдан ёзма жавоб келди. Унинг хатига биноан чироқ ёнди. Пичоқ сопини кесмас экан-да: вилоят прокурорининг ёзишича, туман прокурори ўша пайтда токни узганлиги ғайриқонуний эмас, энди эса мулк эгаси Ж. Отажонов ҳисобланади, шунга кўра корхонани умумий асосларда электр қуввати билан таъминлашингиз мумкин.

Ҳозир корхона аҳолига техника хизмати кўрсатиш билан шуғулланади. Бу ерда шоли тегирмони ўрнатишга ҳозирланяпмиз. Лекин одамларда ишлашга иштиёқ аввалгидай эмас. Чунки халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган цех 15 кун деганда прокурор санкциясига кўра муҳрланди, бундан чўчиган уста Аркабой Отажоновнинг ишга чиқишга юраги бетламаяпти. Агар бизга халақит беришмаганида (ҳеч бўлмаганда қонуний манфаатларимизни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўришганида — амалда бу ҳақда гап бўлган эмас) қанчадан-қанча хонадонларга эшик, дераза, стол, стул, дарвоза тайёрлаб берган бўлардик. Афсус, олибсотарлик билан пул топаётган баъзи «ишбилармонлар»нинг куни туғяптию, бевосита моддий бойлик яратиб халқимизга хизмат қилайлик десак, бизни оворааю сарсон қилишяпти.

Тошкентга нега келганимни айтай. Ҳозир корхона ишлаб турибди. Лекин жамоа хўжалиги билан олди-сотди шартномамиз бекор қилингани бўйича ётибди. Яъни, ишонч билан ишлашимиз учун ҳуқуқий асос йўқ. Шу йил бошида Президентимизнинг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони бизни жуда руҳлантириб юборди. Шу муносабат билан бизнинг ишимизни тегишли ташкилот — майли у прокуратура бўлсин — яхшилаб текшириб, холисона баҳо берсин. Шу илтимосимни айтиб республикадаги ҳуқуқ-тартибот идоралари республикамизда ислоҳотларни чуқурлаштириш ишидаги чигалликларни ҳал этишда янада фаол қатнашадилар.

***

**Суҳбатдошимиз ҳар бир айтган сўзига расмий ҳужжатни кўрсатиб гапирди. Нима дейиш мумкин? Хусусий корхонанинг нияти яхши. Эҳтимол, шу яхши ният йўлида, озми-кўпми, адашишлар ҳам бўлгандир. Шуни рўкач қилиб унга нуқул таъқиқ белгисини қўйиш — қатағон чора кўриш керакми? Қолаверса, мулкдорнинг ўзи ишларимизни тегишли ташкилот текшириб берсин, деб сўраяптику! Ўйлаймизки,

Ўзбек феъли

ЭР ҚАДРИНИ ЭЛ БИЛАР

Азизлар, Шарқнинг, ўзбекнинг эркаклари бағоят сергак, мард, ҳамиятли, саҳий, бағри кенг, Ялангтўшнамо бўлиб яралган. Чунки бу тупроқнинг, табиатнинг, жўшқин қоннинг ўзи шунга мойил. Шунга хос ва шунга мос бўлиб яралган. Бу эса бизнинг — аёлларнинг, оналарнинг бекамиқўст, боқий бахтимизнинг дояси, асосчиси дебочасидир.

Зотан, оталаримиз сергак, тийрак, зийрак бўлганлари учун ҳам етти иқлим шоҳи бўлганлар. Бизнинг оталаримиз саҳий, одилу, мард бўлганлари учун ўзларига қарам юрту элатларни эзиб-талаб эмас, эркин қўйиб меҳнатга, ҳалолликка, диёнатга ўргатганлар. Қора тупроқдан пахта, қуртдан ипак, денгиздан дур, тоғдан олтин, чўлдан боғу бўстон яратишни билганлар ва билмаганларга ўргатиб келганлар. Аёлни ардоқлаш ўз наслу насабини асрашни, авлоднинг соғлом, тетик, бақувват ва оқилу доно, одилу инсофу иймонли бўлишини ният қилганлар ва шунга эришганлар.

Тарихдан аёнки, ўзбек оиласида ўғил дунёга келса тўкис, унга илк дақиқаданоқ ҳурмат билан қаралган. Оилада ўғил боланинг туғилиши шу хонадонга катта бахт, қувонч ва келажак наслнинг давомчиси борлигидан далолат берувчи хабарчи бўлган. Ахир дунёга энг биринчи келган инсон ҳам Одам Ато — отамиз бўлганларку.

Бас шундай экан, нега биз ўз эркакларимизга суянмаслигимиз, уларга таянмаслигимиз керагу, улардан устун бўлишга интилишимиз, уларни ўзимизга иложи борича тобе қилиб қўйишимиз, ўз истагимизча иш қилмоғимиз лозим. Бу қайси исломий шарқона одатларда битилган?

Оилада хотин устун бўлиб эрга буйруқ бериб, айтганини бажартириб, унга қаттиқ гапириб, камситиб, ҳатто қўл кўтариб, болалари олдида беобрў қилиб, ади-бади айтгувчи аёллар ҳам орамизда топилади. Бечора эркаклар топиш-тутиши камтарона, табиати мулойим, учта-тўртта боласи бор, дамини ичига ютиб, бир амаллаб яшаб келяптилар. Чунки хотинлари бетга чопар, пулни яхши кўрадиган ва уни топишнинг ҳам осон йўлларини билишади. Умр саробдек ўтяпти. Ахир ўзбекнинг эркаклари белбоғли, ҳамиятли яралган эди-ку. Қани ўша ғурур, ками-кўсти бўлса айбми? Йўқ асло, камбағаллик эмас, ўғирлик, қаллоблик, судхўрлик, бировни камситиш айб.

Бизнинг кўз ўнгимизда ҳали ёшлигимиз ўтган уруш ва ундан кейинги йиллар — ҳаётда кечирганларимиз хаёлимизда ҳамиша жонланади. Ҳақиқий ўзбекона хислат, одат, хулқ-атвор боболаримизда бўлган. Яшашни ҳам, ишлашни ҳам, ибодат қилишни ҳам, у дунёга савоб орттириб кетишни ҳам, ўз қадрию, ўзгалар қадрини билишни ҳам ўшалардан ўргансак арзийди. Ота-боболаримиз Оллоҳдан қўрқишган, бандадан уяладиган, қўлларидан келса фақат яхшилик қиладиган, етимпарвар, ҳунарманд, одамохун бўлишгани — бу биз авлодлар учун катта фахр ва ифтихордир. Тошкентдаги Камолон даҳасида яшовчи табаррук олим Камолхон ота шу маҳалланинг энг олижаноб инсонлар ҳаёти ҳақида кўп ибратли воқеаларни сўзлаб берадилар. Ғуломхон қандолатфурушни танимаган киши камдан-кам топилса керак. Ота раҳматли ниҳоятда ҳалол, фариштадек файзли, илмли ва шу билан бирга катта ҳунарманд бўлганлар. У киши тайёрлаган қандолат маҳсулотлари ниҳоятда покиза, сифатли ва тансиқ бўларди. Оилада тутган ўринлари алоҳида эди. Улар ўз дастгоҳларида турли-туман қандолатларни ижод қилар, ёнларига ўғиллари, жиянлари, шогирдларини тўплаб иш ўргатар, «Ҳеч қачон омонатга хиёнат қилманг, сизнинг маҳсулотингизни еган одам роҳатланиб дуо қилсин, молга, дунёга ҳирс қўйманг, ҳунардан бўш вақтларда илмга ружу қўйинглар, деб таъкидлар эканлар. Аёлларга ҳеч қачон оғир юмушни буюрманг, уларга хушмуомала бўлинг, эркаклар ғурурингиз, вазифангиз ёдингиздан чиқмасин. Йиллар ўтар, биз ҳам дунёдан ўтиб кетармиз, бироқ сизу биз пиширган новвотларнинг таъми одамларнинг оғзида бир умр қолсин. Токи, улар бизни ширин сўз билан ёдга олсинлар» деб ният қиларканлар. Худди шундай бўлди.

...Узбек оилаларида йигитлар, ўғиллар, айниқса оталар бош бўлишган. Бир болага етти қўшни ота-она деган нақл бор. Кимнинг қизи бироз енгилтаклик қилса, дарров қўшнилар назарига тушгану, ота-онасига айтиб, ўтирмай, ўзлари танбеҳ беришган. Турмушда рўзғор қийинчиликлари, барча икир-чикирлар ўғил болалар зиммасида, уй юмушлари, тикув-чатув, пишир-куйдир, меҳмон кутиш аёллар, қизлар зиммасига юкланган.

Шу ўринда мен кўрган, билган воқеаларимни айтай: Худо раҳмат қилгур Холҳўжа отамлар Зангиота маҳалласида энг обрўли, савлатли, шиддатли, шу билан бирга энг меҳмондўст одам саналарди. Ҳаммамизни эрта тонгдан туришга, ҳаммаёқни ораста қилиб нонушта атрофида жамул-жам ўлтиришга ўргатганлар. Уйда отам ўлтирадиган жойларида ҳамиша тўрт қават кўрпача, иккита болиш турарди. Дастурхондаги нонни отам синдирар, қаймоқми, мураббоми, нимаики тансиқ таомларнинг ҳам энг сараси, энг кўпи отамизнинг олдиларида бўларди. Нонушта тайёр бўлгач, ҳаммамиз бир-бир ҳаё, одоб билан қўлимизни кўксимизга қўйиб салом бериб ўтирардик. Топ-тоза қилиб ювилган, ярақлаган самоварда чой қайнаб турарди. Отам «олинглар» деб таклиф қилмагунларича дастурхонга қўл узатилмас эди.

Ҳамма иш, ҳамма ҳаракат отамлардан кейин бўларди. Бирорта одам — на катта-ю, на кичик дастурхон атрофида но жоиз сўз ёки ҳаракат қилмас эди. Шу муддат, қанча чўзилади, жим-жит, сув қуйгандек ўтарди. Отам фотиҳага қўл очиб ўринларидан туриб ишга отланганларида араби отлари эгарланган бўларди, Вазирахон ойижоним қўлларида чиройли тўқилган туркмани хуржун, қамчинни ушлаб йўлакда «эсон-омон бориб келинг панойи худо» деб катта ҳурмат билан отамни кузатиб қолларди. Ҳа, айтгандай нонушта тугар олдида кечки овқатга кўнглингиз нимани тусайди, деб ойим отамлардан сўраб қолардилар. Шунда отам «Пешинга нима хоҳласанглар қилиб еяверинглар, кечга анавундай овқат тайёрланглар» деб номини айтардилар. «Кўпроқ қилинглар, эшикли уй, келган меҳмон қуруқ кетмасин, айтганча анаву қўшнининг аҳволи талар.

Худди шундай кунлар келди, қайси уйда эркак зийрак, тийрак, ҳамиятли, қаттиққўл бўлса, ўша хонадонда ўсган фарзанд одобли. Қаердаки эркаклар мулойим, бепарво, беҳамият, ўз ҳузурини ўйлаб маишатга берилса ёки ичкиликбоз, енгил таъб бўлса, ўша уйдан орият, қадрият, ҳурмат кўтарилар экан.

Бизнинг эркакларга бир сўзлилик, мардлик, қўш-қўш белбоғлилик, сахийлик, тежамкорлик ва талабчанлик ярашади. Худонинг борлигини билган эркак зоти борки, аёлини, қизини, опа - синглиси-ю, амма-холасини эъзозлайди. Уларнинг оғирини енгил қилади. Номини, шаънини асрайди. Агар ўзи маиший бузуқ, ичкиликбоз, хотинбоз, бошқа - бошқа ярамас хулқи-атворларга ўрганган бўлса, унга барибир. Қорни тўйса, яхши кийинса, айшу ишрат қилиб яйраб қолса бўлди. Қизи ким билан дўст, аёлида нима ўй, хотини қаерга боряпти, қандай қилиб пул топяпти, касалми, соғми парвойига келмайди. Кўчакўйда турли-туман қизу жувонларни кўрганда уларга суркалиб айшини суриб юраверади.

Яна бир тоифалар пайдо бўлдики, ўзи номаъқулчилигини қилиб гулдай хотинини уйидан қувган, урган, суккан, болаларини жонидан безор қилган. Ҳатто бешолти боласи бўла туриб бошқасига бекутуқчи уйланиб олиб, болаларини, оиласини, маҳалла-қўйни безор қилмоқда.

Яхшигина йигитларимизнинг йўлдан чиқиб маиший бузилишига баъзи бир аёллар сабабчи, бўлса керак деб ўйлаймиз. Кўрдингки, шу йигитнинг оиласи бор, борди-ю сенга гап ташлаганда шартта сўзини бузиб, рад жавоб бергин. Иккинчи гапирармикин. Йўқ, аёллар, ҳатто ёш-ёш қизлар, кўркам, баобрў, пулдор йигитларни турли ҳийла-найранг йўли билан ўзлари йўлдан оздириб, оиласини хонавайрон қилиб томоша кўрадилар. «Сеники эди — меники бўлди» деб болаларини етим қилиб зорзор қақшатмоқдалар.

Ҳай жувонлар, шу она, шу аёл ўрнига ўзингизни бир қўйиб кўринг. «Пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга» дейди халқимиз. Бундай гуноҳ ишдан қўрқинг, аёллар, йигитларни йўлдан чиқармай, балки уйларига, болачақасининг бағрига қайтаринг. Сиз ҳам, азиз жафокашларимиз, болаларингиз ҳурмати «урушганингиз ун ош, сукканингиз сўк ошқ» деб кўнглингизнинг кириング ювиб ўз бахтларингизга ўзингиз эга бўлинг.

Момо ҳаво наслидан бўлган аёлларимиз агар истасалар ҳар қандай ишни бажара оладилар, улар ҳал қила олмайдиган бирор мушкулот йўқ ва бўлмайди ҳам. Бас шундай экан, келинг азизлар, эркакларимизни асраб-ардоқлайлик, олдиларидаги абадий бурчимизни бажарайлик. Меҳримиз билан танларини, жонларини қамраб олайликки, уларнинг кўнгиллари чўкмайин, тоғдин юксак кўтарилсин.

НИЛУФАР,
Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари.

Ғалабанинг 50 йиллигига

Тошкентда Ғалабанинг 50 йиллик байрамига тайёргарлик ишлари қизғин тус олмоқда. Халқимиз уруш йилларида бу шонли ғалабага қандай ҳисса қўшган? Йиллар ўтган сари жанг майдонларида матонат кўрсатган жангчиларнинг сафи тобора камайиб бормоқда. Ҳозир кўкси шонш-шуҳрат орден ва медалларга тўла отахон ва онахонлар — фронтдошлар билан учрашувлар ва уларнинг ҳаяжонли ҳикоялари ёшларга ўша алангали йиллар ҳақида ёрқин таассурот бермоқда.

Яқинда очилган Ўзбекистон тарихи музейининг фашизм устидан қозонилган Ғалабага бағишланган зали зиёратчилар билан гавжум. Бу ерга урушда қаҳрамонлик кўрсатган ўзбекистонлик жангчиларнинг суратлари, фронт орқасида қилинган ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи бир қатор экспонатлар қўйилган. Айниқса, биринчи ўзбек генерали, уруш Қаҳрамони Собир Раҳимовнинг ҳайкали ва бу саркарданинг қўмондонлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар ва расмлар тарихнинг учмас саҳифаларидан дарак беради.

МАТОНАТ УНУТИЛМАЙДИ

Жанг майдонларида аскарларга мадад беришда ўзбек санъаткорларининг ҳам муносиб ҳиссаси бўлган. Таниқли санъаткорлардан Тамарахоним, Коммуна Исмоилова ва бошқалар иштирокида тузилган концерт бригадалари баҳодирларнинг чарчоғини ёзишда ва уларга мададкор бўлишда муҳим ўрин тутган.

Уруш йилларида Ўзбекистон халқи фронтга совға-салом юбориш билан бирга яна қандай буюк саховат кўрсатган? Бу саволимизга музейнинг бўлим мудири Солижон Аъзамов шундай деб жавоб берди:

— Ўзбекистон уша машаққатли йилларда фронтга кўплаб қурол яроғлар ва зарур ускуналар ҳам етказиб берган. Уруш йилларида жанг майдонларида ота-онасидан ажралган кўплаб болалар Ўзбекистонга кўчириб келтирилган. Республика ҳукумати ва бир қатор ташкилотлар бир миллиондан ортиқ бола ва кишиларни кутиб олган ва бағрига босган. Улар уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечаклар билан таъминланган. Бир қатор оилалар етим болаларни ўз оиласига олиб, фарзандлари қаторида тарбиялашган. Шулардан Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ибодат ОДИЛОВА.

Комсомолобод туманида чигит экиш авжида. Айни кунларда далаларда тракторлар наъраси тинмайди. Бу йил туман бўйича 24164 гектар майдонда деҳқончилик қилиниши керак. Шундан 16665 гектарига чигит экилади. Шунингдек, бу ерда сабзавот, картошка ва полиз экинлари ҳам кўплаб майдонларга экиляпти.

Суратларда: 1. Тумандаги М. Иминов номли ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи Абдулҳафиз Хўжақулов. 2. Чигит экиш пайти.

Т. ҒОФУРОВ олган суратлар.



МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК

Ғаллаорол тумани қишлоқ хўжалик техникаларини таъминлаш ва таъмирлаш корхонаси жамоаси ғалла ўрими комбайнларини мавсумга сифатли ҳозирлаяпти. Корхонада Жиззах вилояти хўжаликларида ишлатиладиган машиналарнинг мотор, ўриш қисмлари таъмирланяпти.

— Ўтган йили 50 та янги комбайн вилоят хўжаликларига тарқатилган эди, — дейди корхона раҳбари А. Муҳаммадиев. — Биз мол айирбошлаш орқали Россиянинг ўнта заводи билан алоқа боғлаганмиз. Бултур туманда етиштирилган маҳсулотлар эвазига комбайнларнинг кўплаб эҳтиёт қисмларини олган эдик. Айни дамларда техникани таъмирлашда ана шу қисмлар иш беряпти. Деҳқонларимизнинг ғалла мустақиллиги учун курашида биз ҳам четда турмаймиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИМОЛДА ҲАМ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Яқинда Хўжайли туманидаги «Найман» жамоа хўжалигида бўлиб ўтган семинар-кенгашда республикамиз шимоли—Қорақалпоғистонда ҳам баҳор ҳар йилгидан барвақт келганлиги ва шу боис экиш даврида барча имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳақида гапирилди.

— Ерларни барвақт экишга тайёрладик, — деди шу жамоа хўжалигининг 2-бригада бошлиғи Й. Машарипов, — 2 та ҳайдов трактори бетиним ишлаяпти. Механизатор Р. Қўчқоров ҳар куни 8-10 гектар майдонга чигит экяпти. 140 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилиб, дала ишларини авж олдириб юбордик.

Жамоа хўжалигининг бош агрономи А. Хайруллаевнинг сўзини йигилганлар диққат-эътибор билан тингладилар.

— Ҳалол меҳнат қилсанг ер ўз хазинасини сенга очади, — деди у. — Ерни алдасанг, ўзингни алдайсан. Ҳар қарич ернинг қадрини билиб, чин ихлос билан меҳнат қилсанг, нимани мўлжаллаган бўлсанг, ўшани оласан. Биз жамоа хўжалиги бошқаруви, партия ташкилоти ва касаба уюшмаси билан ҳамкорликда чигит экишни сифатли ўтказиш ва тўла кўчат олишнинг режаларини белгилаб олдик. 1800 гектар ерда 4500 тонна пахта етиштирамиз. Экишни 25 апрель кунигача тугаллаймиз.

Семинар-кенгаш ишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Жуманиёзов шу кунги долзарб вазифалар ва экин-тикин ишларини барвақт ва сифатли ўтказиш ҳақида гапирди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎЧМАС МУЛК — КЕТМАС ДАВЛАТ!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят бўлими, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Пискент тумани ҳокимлиги ер участкаларининг ким ошди савдосини ўтказади. 29 апрель куни соат 11⁰⁰ да Пискент тумани ҳокимлигининг мажлислар залида ўтадиган ким ошди савдосида қуйидаги ер участкалари қўйилади:

Пискент шаҳрининг "Бирлик" мавзесидаги 8 та ер участкаси. Ҳар бир участканинг сатҳи — 400 кв.м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 6960 сўм.

"Туркистон" жамоа хўжалигидаги 8 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 400 кв. м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 5700 сўм.

"Туркистон" жамоа хўжалигидаги 8 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 600 кв. м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 8550 сўм.

Дўстбеков номли жамоа хўжалигидаги 10 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 400 кв. м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 5700 сўм.

Дўстбеков номли жамоа хўжалигидаги 10 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 600 кв. м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 8550 сўм.

"Ўзбекистон мустақиллиги" жамоа хўжалигидаги 8 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 400 кв. м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 5700 сўм.

"Ўзбекистон мустақиллиги" жамоа хўжалигидаги 8 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 600 кв. м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 8550 сўм.

Ҳайдаров номли жамоа хўжалигидаги 5 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 400 кв. м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 5700 сўм.

Ҳайдаров номли жамоа хўжалигидаги 5 та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасининг сатҳи — 600 кв. м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 8550 сўм.

Аризалар:
— Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51-уй, 2-қават, 82-хонада (Тошкент вилоят ҳокимлигининг биносида);
— Пискент шаҳрида (туман ҳокимлиги биноси, хусусийлаштириш бўлимида) ҳар куни соат 9 дан 17 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
— Тошкент шаҳрида (3712) 33-08-65.
— Пискент шаҳрида (254) 51-606.

„БИЗ КИМ, МЎЛКИ ТУРОН"...

ТОЛА БИРЖАДА СОТИЛАДИ

АШГАБАТ. Туркманистон Президентининг «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ички бозорда сотиш тўғрисида» эълон қилган қарори кучга кирди.

Бундан буён мамлакатда етиштириладиган пахта хом ашёси, қорамоллар, шоли ва сут товар - хомашё биржаси орқали эркин нархларда сотиладиган бўлди. Бундан ташқари Президент фармонига биноан дизель ёқилғиси, минераль ўғитлар, қўлда тўқилган гиламлар хорижий мамлакатларнинг эркин муомаладаги пулларига сотилади.

АВИАЦИЯ ХИЗМАТИ

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикасида самолёт чипталари ўрта ҳисобда яна 45 фоиз қимматлашди.

Энди йўловчилар Душанбе—Москва йўналиши бўйича 333 минг рубль, Душанбе — Хўжанд йўналиши бўйича эса 92 минг рубль тўлайдилар. Чипталарнинг қимматлашувига рублнинг қадрсизланиши, ёнилғи - мойлаш материаллари ҳамда эҳтиёт қисмлар нархининг ошиши сабаб бўлади.

БАНКЛАР АССОЦИАЦИЯГА БИРЛАШАДИ

БИШКЕК. Қирғизистоннинг йирик банклари яқин вақтлар ичида республика тижорат банклари ассоциациясига бирлашадиган бўлди.

Бу ҳақда бўлғуси уюшманинг ишчи гуруҳи аъзоси, «Қирғизташқибанк» тижорат — акциядорлик банкининг раиси Семира Жунушалиева маълум қилди. Ҳозирги пайтда мамлакатда йигирмага яқин тижорат банклари ишлаб турибди. Хоним Жунушалиеванинг таъкидлашича банкларнинг янги бирлашмаси Қирғизистонда банкчилик фаолиятининг ягона концепциясини ишлаб чиқади. Бўлғуси уюшманинг асосий вазифалари — банклар қонунчилигини такомиллаштириш, банкларо ҳисоб-китоблар тизими, тижорат банклари манфаатларини ҳимоя этишни такомиллаштириш, уюшма аъзоларининг хориждаги шериклари билан алоқаларни кенгайтириш. Семира Жунушалиеванинг айтишича, янги банк бирлашмаси белгиланган таъсис конференцияси ўтказилганидан кейин ташкил этилади.

НЕФТЬ ТАШИШ МАШАҚҚАТИ

АЛМАТИ. Мамлакатда нефтни чет элларга ташиш масаласи ҳал этилмаганлиги муносабати билан Қозоғистон хорижий пулларда анчагина зарар кўриши мумкин.

Республикада нефть қазиб олиш ҳажми кўпайиб бораётганлиги муносабати билан ана шундай муаммо пайдо бўлмоқда. АҚШнинг «Шеврон» компанияси иштирокида ташкил этилган «Тенгизшевройл» қўшма корхонаси биргина Тенгиз конида нефть қазиб чиқаришни йилига 40-50 миллион тоннага етказиши лозим. Қозоғистон ҳозирги пайтда йилига 25 миллион тонна атрофида нефть қазиб чиқармоқда, Нефтни чет мамлакатларга экспорт қилишда транспортда ташиш масаласи Россия ва Оманнинг Каспий — Новороссийск оралиғида қувурлар ётқизилиши билан ҳал этилиши мумкин. Лойиҳанинг биринчи палласини амалга ошириш 700 миллион доллар атрофида баҳоланмоқда. Мамлакат шу билан бирга масаланинг муқобил йўлларини ҳам изламоқда. Нурсултон Назарбоев Туркиянинг раҳбарияти билан унинг ҳудуди ва Эрон орқали Урта ер денгизига чиқиладиган қувур йўли қурилиши ҳақида музокаралар олиб борғани бежиз эмас.

ТОЖИКИСТОН ПАХТАСИ

ДУШАНБЕ. Тожикистон деҳқонлари бу йил 300 минг гектар ерда пахта етиштирадилар.

Пахтакорлар бу катта иш учун муносиб тайёргарлик кўрдилар. Республикада кейинги уч йил мобайнида биринчи марта етарли уруғлик чигит тайёрланди. 12,7 минг тонна уруғлик хўжаликларга етказиб берилган. Қолган 19,5 минг тонна уруғлик эса пешма-пеш тарқатилади.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Қадрият

КАРМАНАНИ ҚАЙТА ТИКЛАЙЛИК

Довруғи етти иқлимга кетган Самарқанду, Бухоро, Хиваю Қўқон Ўзбекистонимизнинг кўрки, шарафи. Зеро, ўтмиши, асрларга тенгдош ёши билангина эмас, тарихий ёдгорликлари, шарқона услубда қурилган обидалари билан жаҳонни лол қолдирган бу қадимий шаҳарлар мустақил юртимизнинг ҳам бешиги, ҳам эшиги саналади. Ана шундан бўлса керак, ҳар йили бу шаҳарларга дунёнинг турли бурчакларидан ўн минглаб чет эллик саёҳатчилар келиб-кетишади. Айниқса, Ўзбекистон ўз истиқлолига эришгач сайёҳлар сони ортди. Буни ўтган йилги тантаналар, яъни буюк зотлар Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда Абдулҳолиқ Ғиждувоний тўйлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳа, бу сингари қадимий масканлар қаторига «Ипак йўли»нинг қоқ белида бўлган Кармана шаҳрини ҳам қўшиш мумкин. Навоий вилоятининг фахри, кўзгуси бўлган Карманада биз билган ва билмаган тарихий обидалар, авлодлардан мерос ёдгорликлар ниҳоятда кўп. Халқ меъморчилиги, ёғоч ўймакорлиги , нақш ва ганч гулкорлиги услубида қурилган ҳашаматли бинолар, бир-биридан бежирим обидалар бунга ёрқин мисолдир. Кармана узоқ тарихга эга. Ўрта Осиёнинг бошқа қадимий шаҳарлари сингари Кармана ҳам асосан VI аср охирлари ва VII аср бошларида бунёд бўлган.

Тарихчи олим Наршахийнинг «Бухоро тарихий ёдгорликлари» китобида қайд этилишича, Карманада у ёки бу услубда қурилган энг йирик 11 та ёдгорлик бўлган. Ана шу бир-биридан жозибадор тарихий обидаларни, масжиду мадрасаларни кўргани, зиёрат этгани ҳар йили хорижий мамлакатлардан кўплаб тарихчилар, ўлкашунослар ташриф буюришган. Айниқса XI-XVI асрлар меъморчилигига хос бўлган, ўта шарқона қилиб ишланган Работи Малик, Сардоба, Қосим Шайх, Деггарон масжидлари, Мир Саид Баҳром мақбараси, Шамолгоҳ қароргоҳи хорижлик саёҳатчиларда жуда катта таассурот қолдирган. Ҳатто «Ипак йўли» буйлаб ўтаётган бирорта карвон Карманани четлаб ўтмаган. Работи Малик карвон аҳлига қўналғи ҳисобланса, зилол, чанқоқбосди сардоба уларга оби-ҳаёт инъом этган. Қосим Шайх, Деггарон масжидларида эса номоз ўқиб, тиловат қилинган. Яна бир эътиборли томони, амир Саид Олимхоннинг ҳам энг севимли зиёратгоҳи Кармана бўлган.

Хўш, ҳозирчи? Ҳозир ҳам Кармана ободми? Бугун бу қадимги шаҳарга зиёрат ёки саёҳат излаб келувчилар борми? Лоақал оддий бир хат-хабар йўллаб, Кармана ёдгорликлари ҳақида сўраб-суриштирувчиларчи? Надоматлар бўлсинки, рус истилочилиги, тоталитар тузум Кармана тугул дунёга машҳур Бухоро ва Самарқанд тарихий обидаларини ҳам нуратиб, оҳорини тўкиб бўлди. Бу сингари хўжасизлик, бу сингари беаёв нуратишлар «самараси» бўлса керак, бугун Карманада биз юқорида санаган ўн битта эмас, атиги 5-6 та яримёрти ёдгорликлар қолган, холос. Энг ачинарлиси ҳозирги авлоднинг кўпчилиги ота-боболаридан мерос бу тарихий ёдгорликларнинг қадимда бўлганлигига ишонишмайди..

Ҳозир Карманада мавжуд бўлган олтита тарихий обида ҳам айтарли ўз аслини йўқотган, таъмирлардан сўнгги обидалардир. Масалан, Бухоро — Тошкент бош йўлининг устида,ёхуд Маликчўлнинг сарҳадида бўлган Работи Малик дарвозасининг қадимги ҳолати қай аҳволда бўлганини ҳеч ким билмайди. Юқорида қайд этганимиздек фақат тарихий манбалар, эски қўлёзмаларгина у ҳақда гувоҳлик бериши мумкин. Бироқ қани ўша мукаммал, андоза олса арзийдиган манба? Аслида етти иқлим биладиган Работи Малик дарвозаси ён-атрофида энг катта ва ноёб ёдгорлик ансамблари бўлган. Дарвоза ичидан узунлиги 86 метр, баландлиги эса 12 метр бўлган истеҳком қалъасига кирилган. Шунингдек, бу ерда икки қаватли пишиқ ғиштдан курилган меҳмонхона, 12 устунли отхона ҳамда карвонлар савдогарлари йўл-йўлакай тўхтаб, савдо қилишлари учун улгуржи мол айирбошлаш бозори ҳам бўлган. Лекин бугун улар йўқ. Асрлар насл-насаблар ўтган сайин улар ному нишонсиз йўқолаверган. Айниқса, собиқ Иттифоқ даврида, олтмишинчи йиллар бошлари, саксонинчи йиллар ўрталарида аҳвол янада мураккаблашди. Бу даврда обидалар, ёдгорликлар, масжиду мадрасалар эшиклари таққа-тақ ёпилди. Охир-оқибатда ўтмишдан мерос обида ва ёдгорликларни сўраб суриштирадиган, қайта таъмирлайдиган мард топилмади. Ўзибўларчиликлар, буйруқбозликлар эвазига Карманадаги Чармгари, яъни собиқ райком чорбоғи ёнида, ҳозирги 2-ҳунар-техника билим юрти ўрнидаги, Янгиқўрғон, Дўрмон, Қалқонча қишлоқларидаги тарихий ёдгорликлардан, ажойиб обидалардан асар қолмаган.

Сардоба (ғиштин ҳовуз) сингари Работи Малик ҳам 1069-1079 йиллар давомида, узоғи билан ўн йил ичида қуриб битказилган. Унинг қурилишида ўша даврнинг нақшинкор меъмори Нажмиддин Бухорий иштирок этган. Шундан бўлса керак, Работи Малик сербезак ва бежиримлиги жиҳатидан ажралиб туради.

Шу ўринда бу сингари ёдгорликлар нега энди чўлда, биёбон саҳрода қурилган, деган савол туғилиши табиий. Биз Чўли маликдан «Ипак йўли» ўтган дедик. Бунинг устига бутун Маликчўл подачилари ҳам Работи Малик ва Сардобадан баҳраманд бўлиши учун обидалар шу ерда қурилган. Яна бир муҳим жиҳати — Работи Малик биргина карвонсарой, ноёб савдо бозори саналмасдан, уруш истеҳкоми, мудофаа қалъаси ҳам ҳисобланган. Бироқ, бу нодир тарихий обида Карманинг бошқа тарихий ёдгорликлари каби ҳимояга, қайта таъмирлашга муҳтож.

Инкор этиб бўлмайди. Истибдодлар тугади-ю, Работи Малик тарихий ёдгорлиги ёнида ҳашаматли, ғиштин, ёғоч ўймакорлиги услубида безакли қилиб ресторан қурилди. Ҳатто унга «Работи Малик» номи ҳам берилди. Аммо бу билан дарвоза таъмирланди, у энди тўлиқ муҳофазада деб бўлмайди. Бунинг устига шундоққина ресторан ёнидаги Сардобанинг ночор ётганини айтмайсизми? Бинойидек, ўтмишдан бизга ёдгор бўлган бу ғиштин ҳовуз зах, кўлмак сув ичида нураб ётибди. Уларнинг ён-атрофига-ку қараб бўлмайди. Нақ аҳлатхонанинг ўзгинаси. Бу ҳам етмаганидек, аҳолининг шахсий моли ҳам, қўйи ҳам шу ерда боқилади. Ана шу ўринда биз республикамиз Президентининг ўтмишга бўлган ҳурмат, тарихий ёдгорликларни тиклаш ва таъмирлашга оид ибратли фармонларини яна бир карра таъкидламоқчимиз. Қани энди, бу фармонлардан Навоий туманида ва Навоий вилояти ҳокимлиги тизими масъул ходимлари ҳам тегишли хулоса чиқаришса?

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

Биз мақоламиз бошида Карманани жаҳон билади, у Бухоро, Самарқанд сингари қадамжо шаҳар, дея таъкидладик, Хўш шундай экан, нега энди бу шаҳар номини қайта тикламаймиз? Ахир мутафаккир шоиримиз, Алишер Навоийга бўлган чексиз ҳурматимиз унинг номидаги хўжаликлар, қолаверса, Навоий шаҳри ва Навоий вилоятида ифодаланган-ку? Нима учун бобокалонимиз номидаги шаҳар ва вилоят бўла туриб, катта бир туманни ҳам Навоий номи билан атаб келяпмиз? Келинг, яхшиси, жаҳон билган, тарихий обидалар, ёдгорликлар жиҳатидан машҳур бўлган Карманани яна ўз ҳолатига қайтарайлик.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ШАРҚ ГУЛИ»ДА ЧАМАНЗОР

Куни кеча пойтахтимиздаги «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамиятида Наврўз шодиёнаси ўтказилди. Корхона ҳовлиси гулкўрпа, палак, чойшаб ва сўзаналар билан безатилган. Бу маскан гулларга бурканган чаманзорни эслатади. Буларнинг барчасини чеварлар ўз қўллари билан ясашган. Уларнинг муддаолари, ниятлари эзгу, ҳар бир хонадонга жамоа маҳсулотлари кириб борса, келинлар уйини безатса.

Карнай-сурнай, ноғораю чилдирмалар садолари остида жамоа аҳли ва меҳмонлар тўкин дастурхон атрофидан жой олишди. Кечани «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви кенгаши раиси Саида Ғаниева очди.

Шодиёна баҳона корхона аёллари билан суҳбатлашдик. Улар бир-биридан ўктам ва чевар, гапга ҳам чечан. Қайси бири билан гаплашманг ўз ишидан хурсанд.

— Мана шу гулкўрпа ва палаклар бизнинг цехда тайёрланган, - дейди попоп цехи бошлиғи Маълума Самиғова, — Қизларимиз оддийгина матога ипаклардан жило бериб, меҳрларини қўшиб тикишади. Шунинг учун маҳсулотларимиз харидоргир, ҳатто хорижий элларда ҳам талаб катта.

— 25 йилдирки шу жамоада меҳнат қиламан. Ишимдан жуда хурсандман, — дейди тикув цехи бошлиғи Мастура Зияева. — Нега дейсизми? Бизлар тиккан бежирим халатларни аёлларимиз кийишса, яшнаб кетишади. Йигитларимизга чеварларимиз тиккан бекасам тўнлар ярашади. Яқиндан бошлаб болакайларга ҳам чопончалар тикяпмиз. Пальтолар ўрнига кийиб, руҳи ўсиб ҳақиқий ўғлонлар бўлиб етишишади.

— Попоп цехида кашта тикаман. Бир кунда битта сўзана қўлимдан чиқади, — дейди каштачи Рихси Нурмуҳамедова. — Демак, мен тиккан сўзана келинлар уйининг бир чеккасини безайди. Мана ўттиз йилдирки, шу касбни шарафлаб кам бўлмадим. Жияним Каромат Убайдуллаева, синглим Норпошша Орипова ҳам шу касбни танлашди. Ҳозир улар ўз ишларининг усталари бўлиб кетишган.

Доиранинг шўх жаранги қизларни рақсга чорлайди. Корхона қошида ташкил қилинган «Сўзана» дастаси қизлари чиқиши, айниқса, мароқли бўлди. Рақсдан сўнг лапарлар айтилди. Ёр-ёр садолари корхона ҳовлиси узра янграйди. Қуш-қуш палаклар остида шодон ёшлар даврага кириб келишди. Келин салом бошланди.

Байрам шодиёнасида маҳаллий саноат тармоғи ходимлари ҳамда қушни маҳалла ва корхоналардан ҳам меҳмонлар қатнашишди.

Юнус ЗИЁДОВ.

СУРАТЛАРДА: «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамиятида Наврўз тантаналари.

Владимир МОЛГАЧЁВ олган суратлар.

Ижтимоий ҳимоя

НОГИРОНЛАР КЎНГЛИНИ ОЛАЙЛИК

«Одамларимизнинг аҳвол-руҳиятидан хабардор бўлиб турайлик, бир-биримизга кўмаклашайлик. Меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир». Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида юртбошимиз қилган маърузадан олинган бу гаплар кўпроқ бизнинг соҳага дахлдор десам, муболаға бўлмас. Ҳақиқатан ҳам Президентимиз қариялар, кам таъминланган оилалар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қилмоқда. Чунончи, пенсия ва ногиронлик нафақалари бир неча бор оширилгани сир эмас. Хусусан, шу йилнинг 1 мартидан республикамизда пенсиянинг энг кам миқдорини 430 сўм қилиб белгиланиши ҳам шундан далолат. Айниқса, уруш ногиронлари, Чернобиль фожеасини бартараф этишда қатнашганлар, байналмилалчи жангчилар ва уларга тенглаштирилган тоифа ногиронларига енгилликлар яратиляпти.

Аммо ногиронларга муносабатда ечимини топмаётган муаммолар ҳам учраб турибди. Маълумки, 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш» Қонунида бу борадаги ишларга ҳуқуқий пойдевор қўйилган эди. Мазкур қонунга биноан ҳар бир корхона, муассаса, ташкилот ва жамоа хўжаликлари уч фоиз иш жойини ногиронларга ажратишлари ва уларни фақат ногиронлар банд қилишлари лозимлиги кўрсатилган. Афсуски, кўпгина раҳбарлар буни эътибордан четда қолдирмоқдалар. Республика бўйича ногиронларни ишга жойлаштиришга доир ахборот маълумотлар кўрсаткичининг пастлиги ҳам шундан. Жумладан, 1991 йилда 25,3 фоиз ногирон меҳнат фаолияти билан банд бўлган бўлса, 1993 йилда бу рақам 11 фоизга тушиб қолди.

Аввало, ногиронликни аниқлаш ва уларнинг меҳнатга қобилиятини белгилашнинг ўзига хос босқичлари бор. Ногиронлар фаол меҳнатга қўл уришда ёрдамга мухтож бўладилар. Айниқса, болаликдан ногирон бўлиб қолганларга бундай ғамхўрлик жуда зарур. Ҳар бир ногироннинг кўнглини олиш, унга эътибор кўрсатиш, қолаверса, мустақил яшай олишини таъминлаш, маълум касб эгаси бўлишига кўмаклашиш ўзига хос муаммолардан саналади. Шу мақсадда республика Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилиниб, унга мувофиқ ногиронларга тенг ҳуқуқли ва эркин ҳаёт тарзи яратилиши кўзда тутилган. Давлат томонидан ногиронларни ҳаётда ва жамиятда ўз ўринларини топишлари учун шарт-шароит яратишга дахлдор вазирлик ва тармоқларнинг вазифалари аниқ белгиланган. Бу қарорнинг тиббий-меҳнат экспертиза тизимларидаги аҳамияти шундаки, 1956 йилдан бери қўлланилиб келинаётган ногиронликни аниқлаш қоидалари бекор қилиниб, истиқлол юртимиздаги шарт-шароитлар инобатга олинган ҳолда ногиронликни аниқлаш қоидалари йўлга қўйилди.

Ушбу қоидага биноан ногиронлик уч гуруҳга белгиланиб, бунда беморнинг ҳаётдаги ижтимоий кўникмалари, саломатлик даражасига мос келадиган меҳнат фаолияти, ташқи муҳит шароитига ўрганиб кетиши ва ижтимоий маиший томонларига эътибор берилган. Асосан ногиронларни қайта меҳнатга тайёрлаш, касбга ўргатиш ва саломатликларини тиклаш масалаларига эътибор кучайтирилган.

Агар республика миқёсида ногиронларни меҳнат ва жамоат ишларига жалб этиш бўйича ногиронлик масалаларини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилса, янада яхши бўларди. Бу кенгашни Вазирлар Маҳкамаси таркибида ташкил этиш кўпроқ самара беради, деб ўйлаймиз. Мақсад ҳар бир инсон, айни пайтда ҳар бир ногироннинг истиқлол нафасидан баҳраманд бўлиши, ўзининг меҳнати билан юрт фаровонлигига ҳисса қўшиши учун етарли эътибор ва шарт-шароит яратилишдан иборат.

Абдусамат АБДУСАЛОМОВ.
Ўзбекистон ногировлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш институти бўлим раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди.

Қизиқ гаплар

ГИТЛЕРНИНГ КУЛИ КЎККА СОВУРИЛГАНМИ?

Фашизм даҳоси ҳақида ҳар хил гаплар юради. Яқинда унинг ҳаёти ва улими ҳақида янги маълумотлар пайдо бўлди. Бу ҳақда Гитлернинг собиқ котибаси, бугунги кунда 70 баҳорни кўрган Траудл Юнге Германия телевидениесига берган интервьюсида қизиқ гапларни баён этди.

Бу аёл 1945 йилнинг апрелида эндигина 20 ёшга кирган эди. Унинг ҳикоя қилишича, Гитлер ўзини ҳамда рафиқаси Ева Браунни ўлдиришга пухта ҳозирлик кўрган экан. Фюрер аввал Блонди лақабли овчарка итини дунёда энг яхши кўрган маҳлуқи бўлишига қарамай заҳарлаган. Боиси, оғунинг таъсири қанчалик кучли эканини тажрибадан утказган бўлса керак. Оғуни эса ҳар доим ёнида олиб юраркан.

Бу воқеадан сал илгарироқ фюрер сўнгги марта Геббельс ва Борман билан учрашиб, бир қадаҳдан шампан виноси ичган. Кейин ҳудди шивирлаб гапираётгандек оҳиста иккита васиятномани сўзлаб, ёздирган. «Мен ўйладимки, — деб таъкидлайди. Т. Юнге, — унинг маълумотларидан англашимча нима учун ва қандай қилиб уруш бошқача манзара касб этгани, унинг сабаблари ҳақида гап кетарди. Лекин ҳужжатларда бирор янгилик ёки ҳеч кимга маълум бўлмаган воқеа борлигини сезмадим».

Гитлер котибасининг шаҳодат беришича, нацист тарғиботчилари таъкидлаганларидек, «Фюрер ҳеч қачон душманга қарши очиқ курашга мутлақ тайёр бўлмаган. Бир куни мен унга: менинг фюрерим, нима учун сиз фронтга жанг қилиш учун бормайсиз», деб сўралим. У бўлса: «Мен бундай қилолмайман, боиси мени ярадор қилиб қўйишса, атрофимда ҳеч ким бўлмаса, ўз фюрерига садоқат билан хизмат кўрсатиб, ҳаётдан кўз юмишимга ким хайрихоҳлик қилади. Умуман, мен русларга тириклайин қўлга тушишни истамайман»... Назаримда у ҳеч қачон ўзининг устидан очиқ суд бошланишини сира истамаган бўлса керак. Котибанинг сўзларидан аён бўлишича, Гитлер қўрқоқларча ўлимни маъқул кўрган.

Яқинда Германиянинг «Шпигель» журналида Адольф Гитлернинг улими ва унинг жасади нима бўлганлиги ҳақида қизиқ маълумотлар эълон қилинди. Маълум бўлишича, Гитлер, Ева Браун ҳамда Геббельснинг оила аъзоларининг жасадлари собиқ Совет Иттифоқи армияси забт этган жойда қарийб 25 йил мобайнида сақланган ва охир-оқибатда ёндириб, кулга айлантирилган экан. Бу ишлар Юрий Андроповнинг буйруғи билан амалга оширилган.

«Шпигель» журналининг 3 апрель сонида эълон қилинган «Гитлернинг жаҳаннамга йўл тутиши» сарлавҳали мақоладан теша тегмаган гаплар маълум бўлди. Журналда ёзилишича, шу вақтгача Гитлернинг улими ҳақидаги гапларда мавҳумлик борлиги эътиборга молик бўлган. Хусусан, у қандай улим топган, ўзини отганми ё заҳарлаган ва охир-оқибатда, унинг жасади қаерда?

Журналда эълон қилинган ҳужжат ниҳоятда махфий бўлиб, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик қўмитаси номидан ёзилган экан. 1970 йилнинг 13 мартида ёзилган бу ҳужжат КПСС Марказий Қўмитасига йўлланган. Давлат хавфсизлик қўмитасининг раиси Ю. Андропов имзо чеккан бу ҳужжатдан аён бўлишича, 1946 йил ГДРнинг Магдебург шаҳрида жойлашган ҳарбийлар шаҳарчаси ва бу ерда хизмат қилиб турган мазкур қўмитанинг махсус бўлимига тегишли армия ҳамда шу ерда Гитлер ва унга тегишли кишилар — жами 10 нафар одамнинг жасади қўйилганлиги ёзилган. Маълумотномада кўрсатилишича, бу ҳарбий шаҳарчани немислар тасарруфига берилиши мақсадга мувофиқ эканлиги уқтирилган. Бу шаҳарчада тозалаш ва қурилиш ишлари олиб борилиши мумкин ва ўйлайманки, бу ерга кўмилган жасаллар очилиб қолади. Шунинг учун кўмилган жасадларни олиш ва йўқ қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бундай ишлар кўздан йироқда, махфий равишда амалга оширилади дейилган.

Бу ҳужжатни Андропов концеляриясининг собиқ бошлиғи, кейинчалик қўмита раҳбарларидан бўлган, бугунги кунда москвалик нафақахўр Владимир Крючков тасдиқламоқда, деб ёзади журнал. Унинг айтишига қараганда: «Аниқ эсимда. Андропов ўз қули билан машинкада махфий ҳужжатни ёзган эди. Кейин Марказқўмнинг умумий бўлимидан Андроповнинг таклифлари маъқулланганлигини билиб олдим». Хуллас, 45-йил ерга кўмилган Гитлер ва унинг гумашталарининг жасадлари уруш тугагандан кейин Сталиннинг ихтиёри билан очиб қурилган ва ёпилган. Орадан 25 йил ўтгач яна очилиб, уларни мутлақ йўқ қилиш мақсадида қуйдириб, кули кўкка совурилган экан. Ҳар қалай Юрий Андропов бу масалаға сўнгги нуқта қўйгани аниқ, деб ёзади журнал. У қачонлардир Ғарбий ва Шарқий Германиянинг қўшилиб кетишини билгандек. Ушанда Гитлернинг кўмилган жойи ўз ерида қоладиган бўлса, бугунги кунда пайдо бўлаётган янги фашизм ёки янги нацизм оқимлари Гитлер даҳосига тавоф қилишлари мумкин эди-да.

«Труд» газетасидан қисқартириб олинди.

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ЧАПИ ҚОЛИБ, ЎНГИНИ...

ЕТТИ ўлчаб, бир кес, деган машҳур иборани кўпчилик билади. Бироқ Америконинг Тамна шаҳрида (Флорида штати)даги шифохоналардан бирида ишловчи жарроҳлар бу иборани унутиб қўйишгани аниқ сезилиб қолди. Негаки, улар йўл қўйган хатони кишилар ҳали-ҳануз тушуниб етишолгани йўқ, яъни улар касалнинг тинчлик бермай оғриётган чап оёғини (тиззадан пастини) опреция йўли билан кесиб ташлашлари керак эди. Аммо... улар чап оёқ қолиб ўнг оёқни кесиб ташладилар. Шунда ҳам жарроҳлар ўз хатоларини сезишгани йўқ, қачонки, бемор наркоздан сўнг ҳушига келиб, ўнг оёғи йўқлигидан жиғибийрони чиққачгина кечириб бўлмас хатога йўл қўйишганини билишди.

Флорида штатида тиббиёт бўйича кенгаш аъзоси, жарроҳ Эмилио Эчеваррианинг айтишича, одатда жарроҳлар мижозларининг операция қилинадиган жойларини қалам билан белгилаб, ёки боғлаб қўйишади. Аммо бу сафар улар шундай қилишни унутишган. Мижоздан сўрай деса... наркоз таъсирида бўлган.

Мана энди мижознинг олдида яна битта оғир операция турибди, у ҳам бўлса касал оёғини кестириш.

ЎЗИ ҲАМ ТИРИК, ТИШИ ҲАМ БУТУН

ОЛИМЛАР тишни асраш учун турли-туман эликсир (оғиз чайқайдиган дори)лар, тиш пасталари, мураккаб парҳезлар ихтиро қилишмоқда. Лекин ҳаммаси беҳуда бўлмоқда. Тишларимиз ўша-ўша: қурт ейди, уқаланиб тушади ва ҳоказо. Аммо қўйидаги воқеа кишини ҳайратга солади.

Канадалик тадқиқотчи Вильялмур Стефансон (1879 — 1962) Қутб доирасида ҳаммаси бўлиб 11 йил яшаган, шундан 6 йиллик умри фақат гўшт ва сув билан ўтган. Ҳатто бир неча ой Арктиканинг кўчиб юрган, ҳаракатдаги музликларида икки ҳамкасби билан бирга яшашга тўғри келди. Ушанда 40 кунгача ўзлари билан бирга олволган озиқ-овқатларини истеъмол қилишди. У тугагандан сўнг эса фақат денгиз мушуги ва оқ айиқ гўштини еб юришган. Шу аҳволда улар роппа-роса 1000 мил йўл босишган. Бундай шароитда эҳтимол тутилган милк касаллигига чалиниш у ёқда турсин, ҳатто соғлиғи тикланиб, жуда яхши юришган, деб хабар беради «Канадиан трибюн» газетаси.

УЛУҒ ҚАРЗДОРЛАР

ҚАРЗ ёмон нарса. уни олгандан сўнг бермоқ керак. Бироқ чўнтакда ҳемири ҳам йўқ бўлса-чи? унда даҳшат. Маълум бўлишича, улуқ арбоблар ҳам қарздорликдан шарманда бўлган экан. Масалан, амриқолик таниқли давлат арбоби Даниэл Вебстернинг иши судга бориб тақалган, негаки, у қассобдан гўшт олиб, пулини ўз пайтида тўлай олмаган. Машҳур Оноре де Бальзакни ўз қалами билан бутун дунёни ишгол этган ёзувчи деб биламиз, У эшиги қўнғироғи жиринглашидан қўрққан. Сабаб: у ҳам кўп одамлардан қарздор бўлган. Ёки «Векфильд руҳонийси» романининг муаллифи, инглиз ёзувчиси Оливер Голдсмитни олиб кўрайлик. У уй (квартира) ҳақини тўламаганлиги учун қамалиб чиққан. Кимсан — Англия қироли Карл Иккинчи ҳам қарздан боши айланиб қолган, яъни атиги 15 минг фунт қарзидан қутилиш учун ҳозирги Пенсильвания штатини ташкил этувчи ерни бериб юборган, дейилади. Англияда чиқадиган «Дейли экспресс» газетасида.

35 СОНИЯДА ЯМЛАБ ЮТДИ

ИТАЛИЯНИНГ шимолидаги Веркура деган жойда ҳар йили макаронни тез ейиш бўйича мусобақа ўтказилиб турилади. Сўнгги мусобақада Эмануэл ғолиб чиқди. У 400 грамм пиширилган макаронни атиги 35 сонияда еб тугатди.

Қизиғи шундаки, макаронни ейиш учун вилкадан фойдаланиш таъқиқланган. Шунинг учун бўлса керак, аввалги эришилган натижадан ҳеч ким ўзиб кетолмади. Аввалги рекорд натижа 34 сония эди.

ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

Пастдарғомдаги Зангибой қишлоғида Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши нашри — «Регистон» газетаси соврини учун кўпкари мусобақаси ўтказилди. Унда Пастдарғом, Гўзалкент, Оқдарё, Самарқанд, Челак ҳамда қўшни Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманларидан 300 дан зиёд чавандоз қатнашди. Кўплаб чавандозлар катта совринлар эгаси бўлишди.

Мусобақа давомида хайрия тадбирлари ҳам ўтказилди. Кам даромадли оилаларга ун тарқатилди.

Газета ходимлари билан суҳбат уюштирилди. Шу ернинг ўзида йилнинг иккинчи ярми учун «Ўзбекистон овози» ҳамда «Регистон» газеталарига муштарийлар обуна қилинди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раёсати, фалсафа, ҳуқуқ ва иқтисодиёт фанлари бўлими, Иқтисодиёт институти жамоаси институтнинг собиқ биринчи раҳбари, етакчи иқтисодчи олим, ЎР ФА мухбир аъзоси

Кирилл Николаевич БЕДРИНЦЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика телекўрсатув маркази жамоаси марказ ходими

Ўринбой ТЎРАБЖОНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси уюшманинг масъул ходими Т. Х. Бобоевга рафиқаси

Нафиса БОБОЕВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0144, 45220 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.30

1 2 3 4 5 6.